O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 5 июнь, № 110 (4520) Пайшанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стуббни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётган Финляндия ташқи ишлар вазири сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк давридаёқ ЕХҲТга аъзо бўлиб, ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, халқаро иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда экология соҳаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1995 йили Тошкентда ЕХҲТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўйича бюроси очилган. Айни пайтда юртимизда ЕХҲТ лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон-Финляндия муносабатларига Президент Ислом Каримовнинг 1992 йили ушбу мамлакатга ташрифи асносида асос солинган. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат ва ташқи савдо маҳкамалари делегацияларининг ўзаро ташрифлари изчил давом этмоқда.

Финляндия Европа Иттифоқи давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилган. "Ўзбекистон-ЕИ" ҳамкорлик кенгашининг дастлабки мажлиси 1999 йилда Финляндия раҳбарлигида ўтказилган.

Мамлакатларимиз ЕИ ва ЕХҲТдан ташқари, БМТ ҳамда НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Финляндияга нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, ўғитлар, хизматлар экспорт қилади, ушбу мамлакатдан юртимизга целлюлоза ва кимё маҳсулотлари, электр ва механик ускуналар, дори-дармон, резина буюмлар импорт қилинади. Мамлакатимизда финляндиялик сармоядорлар иштирокида тузилган "Scanmix-Samarkand", "Nokia Simens Network Tashkent" каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Александер Стубб самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Финляндия Ўзбекистон билан икки томонлама асосда ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон-Финляндия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига, мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июнь куни Оқсаройда Франция Медиатори Жан-Поль Делевуани қабул қилди.**

# ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

— Сизнинг ташрифингизни Франция жамоатчилиги делегациясининг ташрифи деб қабул қиламиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу Франциянинг нафақат давлат тузилмалари, балки жамоат ташкилотлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишидан далолатдир. Ташрифингиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун яхши имкониятдир.

Францияда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига катта қизиқиш, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат билан қаралади. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йили Парижга расмий ташрифи асносида Франциянинг ўша пайтдаги Президенти Жак Ширак Ўзбекистонга, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига ҳурмат белгиси сифатида давлатимиз раҳбарига Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га йўллаган мактубини тақдим этган эди. ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Парижда 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейлари, 1997 йилда эса Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари кенг нишонлангани мазкур фикрнинг яна бир ёрқин далилидир.

Мамлакатларимиз ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. 2007 йилнинг октябрь ойида Франция Ташқи ишлар вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги босқичи ўтказилди.

Парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда. Франция Сенатида "Франция-Марказий Осиё" парламентлараро гуруҳи, Миллий йиғинида "Франция-Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи тузилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида Франция Сенати билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил қилинган.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Франция ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 321,9 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда франциялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган "Миришкор" (чигитни қайта ишлаш), "Кофра" (пойабзал ишлаб чиқариш) каби қўшма корхоналар, Франциянинг 11 фирма ва компанияси, "Креди Коммерсиаль де Франс" ва "Сосьете Женераль" банкларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳам кўлами кенг. Франция билан макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Икки мамлакат мутахассислари қуёш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда. Францияда ўзбек, Ўзбекистонда француз мумтоз адабиёти вакилларининг асарлари таржима этилиб, чоп қилинмоқда. Хусусан, Францияда Алишер Навоий ғазаллари ва Амир Темур тузуклари нашр қилинди. Олий ўқув юртларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида талабалар алмашуви, ўқитувчилар малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Франция Медиаторининг ташрифи асносида икки мамлакат омбудсманлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бу йўналишдаги алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда. Хусусан, Омбудсман институти, унинг минтақавий вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Жан-Поль Делевуа самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон-Франция муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланаётганини, қамрови кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бораётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**



*Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стубб раҳбарлигидаги делегация 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.*

# ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Икки ва кўп томонлама, жумладан, ЕХҲТ доирасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 май куни имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яна бир далили бўлганини алоҳида таъкидлади, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларга юксак баҳо берди.

— ЕХҲТ Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор, — деди А. Стубб.

ЕХҲТ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА).**



***Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида "Маънавий баркамол ёшлар — келажагимиз таянчи" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

***"Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ ўтказилган мазкур тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар, диний таълим муассасалари вакиллари, олим ва мутахассислар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.***

# Баркамол ёшлар — келажак таянчи

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О. Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У. Алимов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларнинг маънавияти ва дунёқарашини бойитиш, Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Ёшлар тарбияси мамлакат тараққиётини, эл-юрт келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Фарзандларни ҳар томонлама баркамол, оқил, билимли этиб тарбиялаш миллий қадриятларимизда, муқаддас китобларда ўз аксини топган. Шу боис, ёшларнинг онги ва тафаккурини юксалтириш, уларнинг қалби ва шуурига

(Давоми 2-бетда).

***Кеча Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати ва Осиё Тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни мониторинг қилиш" лойиҳаси доирасида миллий анжуман бўлиб ўтди.***

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

**Анжуман**

Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, фермерлар, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, шунингдек, хорижий экспертлар иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунда Президентимиз ташаббуси билан фермерлик ҳаракати тобора ривожлантирилиб, уларга барча шарт-шароит яратиб берилаётгани бош омил бўлаётир.

Бугунги кунда республикамизда 222 мингта фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Жорий йилги пахта ва ғалла ҳосили тўлиқ улар томонидан етиштирилаяпти. Шунингдек, мева-сабзавот, узум маҳсулотларининг асосий қисми ҳам фермерларнинг улушига тўғри келаётир.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

Наманган шаҳрида ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркаси иштирокчиларининг аксарияти ўрта махсус ўқув юртларининг битирувчи талабаларидан иборат бўлди.

## Коллеждан – корхонага

Уларга 94 та ташкилот, корхона ва муассаса 498 та бўш иш ўринларини таклиф этди. Вилоят марказидаги тиббиёт коллежи битирувчиси Иқболой Йигиталиевага республика акушерлик гинекология институтининг Наманган филиали тавсия этган иш ўрни маъқул тушди. Унинг 97 нафар тенгдоши ҳам шаҳардаги қатор корхоналардан муқим иш жойларини топишди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Замонавий спорт иншооти

***Қизилтепа туманидаги 9-мактаб қошида спорт иншооти қурилиши бошланди. Лойиҳа қиймати 125 миллион сўм бўлган ушбу спорт масканида баскетбол, волейбол ўйингоҳлари ва теннис корти бўлади.***

Шунингдек, бу ерда Миллий кураш, бокс, бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилади.

«Темир Малик» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари янги замонавий спорт иншоотини Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Бир вақтлар Гулистон тажриба-таъмир заводининг ётоқхонаси бўлган, кейинчалик қаровсиз ҳолга келиб қолган бино мукаммал таъмирдан сўнг, шаҳарнинг кўркига-кўрк қўшувчи муҳташам кошонага айланди. 70 ўринли меҳмонхонага «Сирдарё» деб ном қўйилди.**

## «Сирдарё»да меҳмон бўлинг

Меҳмонхонанинг очилиш маросими қатнашчилари унинг ички ва ташқи безаклари жаҳон андозалари талабларига мос эканлигини таъкидладилар. Дастлабки мижозлар бу ерда меҳмонлар учун етарли шарт-шароит яратилганлигини эътироф этишди.

**Ортиқ СУЛТОНОВ.**

***Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиёда лизинг фаолияти, унинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.***

## Лизинг фаолияти ривожланмоқда

Унда Марказий Осиё, Ҳамдўстлик ва хориж мамлакатларидан етакчи лизинг компаниялари, ассоциациялар, банклар, молия муассасалари вакиллари иштирок этишди. Анжуманда лизинг операцияларининг бугунги ҳолати, лизинг компанияларига қўшимча сармоялар ажратиш масалалари, бу борада тўпланган тажрибалар таҳлил этилди.

Маълумки, 1995 йилда мамлакатимизда биргина «Ўзбеклизинг интернешнл» компанияси лизинг фаолияти билан шуғулланар эди. Бугун эса бундай муассасалар сони 40 тадан ошди. Конференцияда Ўзбекистонда лизинг фаолияти ривожланиб бораётгани эътироф этилди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Бир рақам шарҳи**

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА



**2008** йил 1 апрель ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони **222** мингтага етди.

Ана шу фермер хўжаликларига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳудудларда кўплаб ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш шохобчалари, муқобил машина-трактор парклари, мини банклар ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди.

***Бундай мулоқотлар ўтган ҳафта давомида мамлакатимизнинг барча вилоятларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайловчилари билан учрашувларида кузатилди. Ушбу мавзуни давом эттирар эканмиз, яна бир депутат — Кароматилло Турғунбоев ўтказган учрашувлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.***

***Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида маҳалла оқсоқоллари, шунингдек, маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган тадбирларда туманнинг айни пайтдаги ривожланиши ва келгуси режалар хусусида сўз юритилди. Бунда асосий эътибор Юртбошимиз раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилганлиги таъкидланди.***

# САМИМИЙ ВА ДИЛКАШ МУЛОҚОТЛАР

Аслида депутатнинг ўз сайловчиларига айтадиган гаплари кўп. К. Турғунбоев режадаги учрашувлардан ташқари ҳам мунтазам равишда юртдошлари билан фикр алмашиб туради. Чунки халқнинг қувончи унинг ҳам қувончи, ташвиши эса унинг ҳам ташвишидир.

Бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири — халқнинг турмуш даражасини ошириш. Депутат буни туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан бевосита боғлиқ эканини эътироф этади. Шу боис, парламент қуйи палатасининг фаолияти ҳақида, янги қонунлар ҳақида сўз юритиш асносида айнан мана шу жиҳатларга урғу беради. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан равнақига эришиш, ҳар бир ўзбекистонлик учун муносиб ҳаёт тарзини таъминлаш пировард мақсадимиз эканини ёдга олади.

Учрашувларда таъкидланганидек, илгари Пахтакор тумани аҳолиси турмушида асосан қишлоқ хўжалиги устувор бўлган. Истиқлол йилларида эса иқтисодиётнинг энг замонавий тармоқлари ривожланиб бормоқда. Бу ерда сўз фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳақида бораётгани йўқ. Яқин орада туманда рангли телевизор, кондиционер, турли русумдаги совитгичлар ва бошқа юқори технология маҳсулотларидан иборат 20 турдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарила бошланади. Буларнинг барчаси фойдаланишга топширилаётган "Капитал Инвест Сервис" номли Ўзбекистон — Украина — Хитой қўшма корхонаси базасида тайёрланади. Унинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехларида саккиз юз нафарга яқин одам ишлайди. Демак, яқин кунларда Пахтакор тумани ҳаммамизда фахр уйғотадиган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида рақобатбардош маҳсулотлар етказиб берадиган мамлакатимизнинг саноат марказларидан бирига айланади.

Мазкур корхонанинг истиқболлари ҳақида Пахтакор маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабалари ҳам фикр билдиришди. Бу бежиз эмас. Зеро, улар мана шу масканда ўзларининг келажагини кўришмоқда.

Туманда фаолият юритаётган, эндигина ишга туширилиши мўлжалланаётган ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси билан боғлиқ саволларга жавоб берар экан, К. Турғунбоев нафақат мамлакатимизда саноатни ривожлантиришга доир ҳуқуқий замин хусусида гапирди, балки ўша

## ▼ Депутат ва ҳаёт

корхоналардаги ходимлар учун яратилаётган маиший шароитларга ҳам тўхталди. Бунинг ажабланарли томони йўқ. Негаки, Қонунчилик палатаси депутатлари бугун ўзлари вакил бўлган ҳудудларда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлардан бохабар бўлибгина қолмай, шу ердаги маҳаллий вакиллик органлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Депутат билан бўлиб ўтган долзарб мавзудаги мулоқотлардан сўнг билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ҳам бундан далолат беради. Ўз навбатида, депутатлар эса аҳолининг ҳуқуқий онги сезиларли даражада ошганлигини эътироф этишмоқда. Мисол учун, Кароматилло Турғунбоев таъкидлаганидек, бугун сайловчилар ҳар бир маҳаллий муаммоларни айнан парламент қабул қилган қонунларга таянган ҳолда ҳал этишга ўрганишмоқда.

Учрашувлардан кўриниб турибдики, бугунги сайловчи парламент ҳаётидан яхши хабардор. Пахтакорликлар ҳам бундан мустасно эмас. Зотан, улар юртимизда юз бераётган бунёдкорлик ишларининг бевосита иштирокчиларидир. Туманда кейинги йилларда эришилган ютуқлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижаси эканлигини улар яхши ҳис этишади. Илгари фақат пахта тозалаш заводи фаолият юритган бўлса, айни пайтда бу ерда иккита қўшма корхона, ўнлаб кичик хусусий корхоналар мавжуд.

Бунда саноатни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, "Элита" Ўзбекистон — Америка — Голландия қўшма корхонасида замонавий технологиялар ўрнатилган бўлиб, у йилига 10 минг тонна чигитни қайта ишлаш имконига эга. Ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ўсаётгани ҳам қувонарли ҳол. Агар 2006 йилда 6 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили бунга нисбатан 706,7 миллион сўм кўп маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу эса вилоятда ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши бўйича энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бу корхонанинг ишга тушиши 260 нафар пахтакорликни иш билан таъминлади.

Шунингдек, туманда мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгилаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Бунга мисол қилиб, полипропилен қоплар ишлаб чиқарувчи корхонани келтириш мумкин. Қирқ беш нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхона маҳсулотларига қўшни ҳудудларда ҳам эҳтиёж катта.

Маҳаллий ишбилармонларнинг тадбиркорликда эришаётган ютуқлари барчани бирдай қувонтиради. Пахтакор қишлоғида жойлашган "Семурғ" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммаджон Сувонқулов ерёнғоқ мағзидан ёғ ишлаб чиқариш, полиз экинлари ва узумни қайта ишлашни йўлга қўйган.

Депутатнинг сайловчилари билан мулоқоти жонли, ҳар иккала томоннинг фаоллигида ўтди. Яъни иштирокчилар нафақат савол беришади, балки парламентдаги вакилига ўз ютуқларидан сўзлашади. Эътироф этадиган ютуқлар эса талайгина. Кейинги йилларда саноат ишлаб чиқариши барқарор ривожланмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1737 та янги иш ўрни яратилди. Шундан 1163 таси қишлоқ жойларидадир. 730 нафар фермер ҳақиқий ер эгасига айланиб, уларнинг меҳнатга, ерга муносабати тубдан ўзгарди. Етиштирилаётган пахта ва доннинг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Фермерлар қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Айнан уларнинг ҳомийлигида кам таъминланган 285 та оилага соғин сигир олиб берилди. 1990 йилгача қурилган 35 та уй таъмирланди.

Биз фақатгина бир депутатнинг учрашувларини ҳикоя қилдик холос. Аслида, бундай учрашувлар юртимизнинг барча гўшаларида бўлиб ўтди.

**Пўлат ДОНИЁРОВ.**

# ТАБИАТ ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

***Телевизор, радио, газета ва журналлар орқали ҳар куни сайёрамизнинг у ёки бу бурчагида юз берган экологик фалокатлар ҳақида нохуш хабарларни эшитиб турамиз. Ана шу тўфонлар, ўрмон ёнғинлари, сув тошқинлари, зилзилалар, завод ва транспорт воситаларининг аварияларидан юзлаб киши ҳалок бўлмоқда, тан жароҳати олмоқда. Мамлакатлар иқтисодиёти эса миллиардлаб доллар миқдорида зарар кўрмоқда.***

Ҳозирги кунда содир бўлаётган экологик инқирозларни бундан бир неча ўн йиллар илгари соҳа мутахассислари ва олимлар башорат қилишган эди. Аммо баъзи мамлакатлар, йирик корпорациялар, вазирликлар, корхоналарнинг раҳбарлари ва айрим шахслар экологик муаммоларни писанд қилмай, ўз манфаатлари йўлида табиатни бузишни давом эттиришлари беиз кетмади. Масалан, атмосфера ҳавоси исишининг олдини олиш, яъни ҳавога $CO_2$ газини чиқаришни камайтириш бўйича Киото протоколига қарийб 150 та давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам имзо чекди. Бироқ атмосфера ҳавосини энг кўп ифлослантираётган Америка (37 %), Хитой ва Ҳиндистон каби йирик мамлакатлар раҳбарлари имзо чекишмади. Бу дегани — ҳавога $CO_2$ газини чиқариш миқдори (йилида 22 млрд. тонна) камаймайди, ҳарорат исиши давом этаверади, музликларнинг эриши муқаррар бўлиб қолаверади. Бундан эса ҳеч ким фойда кўрмайди.




Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолати» номли асарида ҳозирги даврда республикамизнинг экологик ҳолати, мавжуд муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, уни тузатиш чоралари белгилаб берилган. Гап шундаки, республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Ангрен, Бекобод, Навоий каби саноати ривожланган шаҳарларининг атмосфера ҳавоси бирмунча ифлосланган. Бундан ташқари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шўртангазкимё» мажмуидан чиққан заҳарли чиқиндилар Қашқадарё вилоятининг ҳавосига ўз таъсирини кўрсатаётган бўлса, Сирдарё, Жиззах, Хоразм ва Қашқадарё сингари вилоятларда қурилган ирригацион иншоотлар носозлиги натижасида минглаб гектар ер турли даражада шўрланаётир.

Чиқиндилар муаммоси ҳам ҳанузгача ҳал этилмаган. Шаҳар ва қишлоқ кўчаларининг атрофига ахлатлар пала-партиш тўкиб ташланганлиги доимо кўзга ташланиб туради. Айниқса, ёзнинг иссиқ шароитида бундай жойлар касаллик тарқатувчи манбага айланиши мумкин.

Чиқиндилар — хом ашё. Агар ҳар бир вилоятда биттадан уни қайта ишловчи завод қурилса, айни муддао бўлар эди. Чунки ривожланган мамлакатларда бирон жойда ахлат тўкилганини кўрмайсиз. Масалан, Сингапурда сигарет қолдиғини белгиланган жойга эмас, тўғри келган жойга ташлаган киши, ким бўлишидан қатъи назар, 500 доллар, ахлат тўкса, 1000 доллар миқдорида жарима тўлайди.

Шу билан бирга, БМТ қошидаги мутасадди бўлимнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги кунда Ер курраси аҳолисининг 2 миллиардга яқини ичимлик суви етишмаслигидан қийналмоқда. Тўғри, республикамизда бошқа мамлакатларга қараганда сув анча мўл. Помир ва Тянь-шань тоғларидан бошланувчи ўнга яқин катта-кичик дарёлар халқимизнинг сувга бўлган талабини азалдан қондириб келган. Аммо кейинги йилларда баъзи жойларда ичимлик суви танқислиги борган сари сезилмоқда. Чунки илгаригидек ариқ ва дарёлар суви ҳамиша тоза эмас.

Республикамизнинг кескин континентал иқлим шароитида ёз ойларида иссиқ бўлса, қишда баъзи йиллари совуқ авжига чиқади. Сабаби, юртимизнинг шимоли-ғарбий чегаралари очиқ, баланд тоғлар билан ўралмаган. Шимолдан келган совуқ оқим ҳаво ҳароратини пасайтириб юборади.

Хабарингиз бор, бу йилги қишда қаттиқ совуқ бўлди. Кўп жойларда мутасаддилар қишга пухта тайёргарлик кўрмаганликлари, яъни иситиш тизимининг носозлиги, ёқилғининг етарли бўлмаганлиги, уйларнинг эшик ва деразалари яхши беркитилмаганлиги ва ҳоказолар туфайли одамлар анча азият чекишди. Қаҳратон совуқ кунларида, айниқса, қишлоқ одамлари кўплаб мевали ва манзарали дарахтларни ўтин учун кесиб юборишди. Бу ҳам табиатга нисбатан лоқайдлик оқибати. Негаки, қишнинг совуқ келмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун мутасаддилар ва оила бошлиқлари доимо қишга тайёргарлик кўриб, иситиш тизимини текшириб, созлаб қўйиш, ёқилғи етарли миқдорда бўлиши чораларини кўриши лозим.

Машҳур француз файласуфи Ж. Руссо ўз асарларининг бирида болани табиат бағрида тарбиялаш ғоясини илгари суради. Унинг фикрича, айнан табиат мурғак қалбда кўнгил софлиги, ҳаққонийлик каби ижобий сифатларни шакллантиришга ёрдам беради. Ўсиб келаётган ёш авлодга экологик таълим-тарбия бериш оиладан бошланиши, боғчада, мактаб, коллеж, университетларда олиб борилиши керак. Яъни экологик таълим-тарбия узлуксиз давом этиши керак. Экология нафақат республикамизда, балки дунё бўйича долзарб муаммога айланган бир пайтда бизнинг келгуси авлодимиз ҳисобланган ёшларга бу фан бўйича чуқур таълим-тарбия бериш ниҳоятда асқотади.

Албатта, мамлакатимизда экология ва табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга ошириладиган ижобий ишлар кўп. Чунончи, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва «Экосан» халқаро ташкилоти саъй-ҳаракатлари шундан далолат беради. Қолаверса, мутахассисларимизнинг ўнлаб дарслик ва қўлланмалари чоп этилган. Республикамизда «Экология хабарномаси» номли журнал орқали ўқувчиларга экология ҳақида анча-мунча маълумотлар берилаяпти. Радио ва телевидение, газета ва журналларда ҳам экологик билимлар тарғиб қилинмоқда. Зеро, тоза ҳаво, тоза сув, сифатли озиқ-овқат ҳаммамизга керак. Демак, бугун барчанинг эътибори атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлашга қаратилиши лозим. Шундагина ҳар бир киши соғлом, ҳаёт эса янада гўзал бўлади.

**Туроб ТИЛОВОВ,**
**Қарши давлат университети Экология кафедрасининг мудири, профессор.**

# Оромгоҳлар мунтазир

**Самарқанд шаҳри чор-атрофида 25 та оромгоҳ мавжуд. Улар табиатнинг сўлим гўшаларида жойлашган. Тоза ҳаво, зилол сув, гўзал манзарага эга бундай масканлар бағри бугун ўқувчилар учун очиқ. Уларнинг барчасида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари аллақачон ниҳоясига етказилган.**

## ▼ Ёзги таътил

Вилоят «Таъминотсавдо» ассоциациясига қарашли «Юлдузча» оромгоҳи Ургут туманининг Омонқўтон ҳудудида жойлашган. Бу йил оромгоҳда 240 нафар бола ҳордиқ чиқаради. Бунинг учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Асосий ва ёрдамчи биноларнинг мукаммал таъмирланиши, теварак-атрофнинг қайтадан тартибга келтирилиб, ободонлаштирилиши оромгоҳга ўзгача қиёфа бахш этди. Жума пахта тозалаш заводининг Самарқанд туманидаги «Соғлом авлод» оромгоҳи ҳам мавсум давомида 420 нафар ўқувчини бағрига олади.

Умуман, бу йилги дам олиш мавсумида вилоятнинг доимий оромгоҳларида 7900 нафар, уларга қўшимча равишда тайёрланадиган 49 та кундузги оромгоҳларда 10460 нафар боланинг дам олиши кўзда тутилган. Ушбу оромгоҳларнинг барчаси муддатидан олдин мавсумга тахт қилиб қўйилгани эътиборга лойиқ.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йил оромгоҳларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу, аввало, жиҳозлаш ва озиқ-овқат таъминотида яққол кўзга ташланади. Масалан, ўтган йилларда керакли жиҳозларни оромгоҳлар ўзларига оталиқ ёрдами кўрсатаётган биргина ташкилот ёки муассаса орқали оларди. Бу йил эса бунга қўшимча равишда ҳар бир оромгоҳга тегишли ҳокимликлар орқали ҳомийлар бириктирилди. Фермер хўжаликлари эса оромгоҳларга қўшимча равишда бепул қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришади.

Бундай эзгу ишлардан бири вилоят «Пахтасаноат» уюшмаси томонидан «Соғлом авлод» оромгоҳига 100 тўплам каравот олиб берилгани, таълим тизимидаги «Учқун» ва «Алпомиш» оромгоҳларига идиш-товоқлар, кўрпа-тўшак жилдлари совға қилинганлигидир.

Бу халқимизнинг болажонлиги, мамлакатимизда болаларга, ёш авлод келажагига жиддий эътибор қаратилаётганидан дарак, албатта.

***Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

## ▼ Изланиш

***Ўзбекистон туманида Қамбарали Ҳасанов раҳбарлик қилаётган хусусий фермасини бугун Фарғона вилоятидагилар яхши билишади.***

# БАРАКА ЧАШМАСИ

*Чунки чорвачиликка ихтисослашган бу ферма маҳсулотлари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Гап шундаки, 1072 бош қорамол парваришланаётган ушбу хўжаликда чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилган. Ички бозорга 10 турдаги сут маҳсулоти чиқарилаётгани бунинг далилидир.*

**СУРАТДА: қайта ишлаш цехи илғор ишчиси Мунирахон Тўхтаназарова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



# Баркамол ёшлар — келажак таянчи

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

инсонпарварлик ғоялари, эзгу фазилатларни теран сингдириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Юртбошимиз раҳнамолигида азалий анъаналаримизни қайта тиклаш, буюк алломаларимизнинг ҳаёт йўли, бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент ислом институти ректори Муҳаммадайюб Ҳомидов. — Ёшларни аждодларимизга муносиб ворислар, комил инсонлар этиб тарбиялашимиз зарур. Бу борада жойларда ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўзига хос ўрин тутади.

Анжуманда мамлакат тараққиётида ёшларнинг ўрни ва мавқеи, улар зиммасидаги масъулиятли вазифалар, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш борасидаги муаммолар, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, ёшлар маънавияти ва одоб-ахлоқининг юксалишида миллий қадриятларнинг ўрни, диний таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мавзуларида маърузалар тингланди.

***Рустам ЖАББОРОВ, ЎзА мухбири.***

***Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани хўжаликларида ғалла ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик кўрилди.***

# Қизилтепаликлар аҳди

Туман миришкорлари жорий йилда 9780 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил олиш ниятида астойдил меҳнат қилди. Ғаллачилик билан шуғулланаётган 560 фермер хўжалиги аъзолари 35 минг тонна сара дон етиштириб, шундан 23 минг тоннасини давлат қабул пунктларига топширади.

## ▼ Яхши хабар

Бу ишларга 21 та юқори унумли комбайн, 86 та юк автомашинаси жалб этилган. Комбайнчи-операторларнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

***Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.***

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ — ҲИМОЯДА

*Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида мамлакат ҳудудида симли-рақамли телефон алоқаси хизматларида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этилиши, қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда хизматларнинг ҳозирги кундаги сифати, мавжуд муаммолар ва уларнинг олдини олиш юзасидан ўтказилган таҳлил ва ўрганиш ишлари бўйича семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.*

Таъкидландики, телефон тармоғига уланиш бўйича келиб тушган мурожаатлар ўрганилганда, 2006 йилда 82313 та мурожаатнинг 65911 таси ёки 80 фоизи, 2007 йилда 83046 та мурожаатдан 70628 таси ёки 85 фоизи қаноатлантирилгани аниқланди. Ваҳоланки, республикамиз бўйича симли алоқа хизмати кўрсатишнинг техник шароити 1781,4 минг абонентга мўлжалланган бўлиб, таҳлил ва ўрганишлар даврида шундан 88 фоизи абонент билан банд эканлиги маълум бўлди.

Телефон тармоқлари корхонасида истеъмолчилар учун кўринарли жойда пуллик хизматлар тарифлари ва имтиёзлари юзасидан маълумот мавжудлигини ўрганиш, ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятидаги алоқа хизмати кўрсатувчи корхона филиалларида улар аҳолига тақдим этилмаганлигини кўрсатди.

## ▼ Тадбир

Аҳоли ўртасида назорат тартибида ўтказилган сўровнома жараёнида эса шу нарса аён бўлдики, кўрсатилаётган алоқа хизматларининг сифатига мижозларнинг 23 фоизи ўртача, 3 фоизи қониқарсиз деб баҳо берди. Чунки хонадонга телефон алоқасини улатиш учун фуқаро мурожаат этган бўлса-да, 1 ойдан 5 йилгача муддатда алоқа хизмати корхонаси томонидан ўтказиб берилмаган. Жумладан, мазкур ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида мавжудлиги кузатилди.

Шу билан бирга, абонент тўловига гаплашмаганлик учун оператор томонидан ноқонуний тўлов киритиш ҳолатлари рўй берганлиги, хусусан, бу ҳолатларга Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида йўл қўйилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, таҳлил даврида телефон алоқасининг узилиб туриши ҳолатлари юз бераётгани, корхонада телефон алоқасини таъмирлаш ишлари ўтказилаётганлиги, телефон хизмати кўрсатиш тарифлари ўзгаргани ҳақида ўз вақтида истеъмолчилар хабардор қилинмаслиги, айрим қишлоқ жойларида алоқа хизмати ташкил этилмаганлиги қайд этилди. Аниқланган бундай қонунбузарлик ҳолатлари бўйича истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганлиги семинар иштирокчиларига маълум қилинди.

**И. ЎТБОСАРОВ.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Айтиш жоизки, фермерларнинг иқтисодий ва техник салоҳиятини яхшилаш мақсадида ички инвестициядан ташқари, хориж сармояси ҳам мунтазам жалб этилмоқда. Бу жараёнда, жумладан, Осиё Тараққиёт банки бир қатор лойиҳалари билан муносиб иштирок этаяпти. Ана шу молиявий муассасанинг галдаги лойиҳаси юртимиздаги "Donaev Management Consalting" ҳамда Швециянинг "Scanagri" консалтинг фирмалари томонидан амалга оширилаяпти.

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Уч босқичдан иборат ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад танлаб олинган республикамизнинг 17 туманида қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин майдонларининг унумдорлигини ошириш орқали қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кўтаришдан иборатдир.

Лойиҳа иштирокчиларининг айтишича, бугунга қадар унинг икки босқичи якунланди. Миллий анжуманда ўтган даврда амалга оширилган ишларнинг самараси муҳокама қилинди. Кутилаётган натижалар ҳақида фермерлар ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Зотан, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар пировард натижада юртимиз равнақ топиши, қишлоқ аҳолисининг турмуши янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

***Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Жаҳон бозорида нефть нархи арзонлаша бошлади.***

***Куни кеча Лондоннинг йирик ICE биржасида ўтказилган савдоларда бир баррель нефтнинг нархи 3,44 долларга арзонлашганлиги қайд этилди.***

## Нефть арзонлашмоқда

Нью-Йоркдаги NYMEX биржасида эса бу кўрсаткич 3,45 долларга тенг бўлди. Шу кунгача Лондонда бир баррель нефть учун 124,58 АҚШ валютасида хақ олишган бўлса, Нью-Йоркда 124,74 долларга сотилаётганди.

Мутахассислар "қора олтин"нинг арзонлашишини долларнинг дунёдаги валюталарга нисбатан қадрсизланиб бораётганлиги сабабли таваккалчилик даражаси ошганлиги билан боғлашмоқда.

## Мексикада кучли бўрон



***Мексикада содир бўлган кучли бўрон аҳолини қийин аҳволга солиб қўйди.***

Сўнгги маълумотларда келтирилишича, табиий офат натижасида етти киши ҳалок бўлган ва кўплаб одамлар бедарак йўқолган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига ҳам жиддий зиён етказилганлиги айтилмоқда. Айни пайтда бўроннинг тезлиги соатига 70 километрни ташкил этмоқда. Айниқса, дарёлар яқинида жойлашган аҳоли пунктларида аҳвол хатарли бўлиб турибди.

Ушбу «Артур» номли бўрон бу мавсум Мексикада биринчи марта кузатилди.

## Тўртта корхона ёпилади



***"General Motors" концерни икки йил мобайнида АҚШ, Канада ва Мексикада жойлашган тўртта корхонаси фаолиятини тўхтатишга қарор қилди.***

Шунингдек, компания бош директори Рик Вагонирнинг таъкидлашича, "Hummer" русумли машиналар ўрнига тежамкорроқ моделлар устида изланиш олиб борилмоқда. "Hummer"ларни ишлаб чиқариш кескин камайтирилади. Айни пайтда бу русумдаги машиналар Мичиган, Висконсин ва Онтарио шаҳарларида йиғилаётган эди.

"General Motors" харидорлар талабидан келиб чиқиб шундай қарорга келди. Айни пайтда жаҳон бозорида ҳар томонлама тежамли ва шинам автоуловлар харидоргир бўлиб бормоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

O'ZSANOATQURILISHBANK

***• Мижозларга тезкор ва сифатли банк хизмати кўрсатиш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» тизимида 190 та жамғарма кассаси, 94 та мини банк фаолият юритмоқда***

***• 2007 йил давомида аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун 80,7 миллиард сўмлик тўловлар қабул қилиб олинди***

***• Яқинда эса банкда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни шакллантириш, нақд пулнинг банкдан ташқарида айланишини қисқартириш мақсадида мутлақо янги тизим жорий этилди***

Банк тизими: тажриба ва таҳлил

# ТАШАББУСНИНГ БЕҚИЁС САМАРАСИ

*«Ўзсаноатқурилишбанк» салоҳиятини ошириб, нуфузини янада мустаҳкамламоқда*

### Пешқадамлик эътирофи

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Ўзсаноатқурилишбанк» — ишончли ҳамкор» деган иборани кўп эшитиш мумкин. Дунёга машҳур «Эксперт РА» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликлари томонидан бу банкка молия бозорида етакчи мавқеига эга эканлиги, кредит салоҳиятининг устунлиги ва келажакда ҳам барқарор фаолият кўрсатишини белгиловчи энг юқори рейтинг баҳоси берилгани бундай ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши муқаррар.

Чунки бундай халқаро даражадаги эътирофга сазовор бўлиш банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичлари собитлиги, мижозларининг кўплиги, бой тажрибага эгалиги, шунингдек, нефть ва газ, энергетика, кимё саноатида фаолият юритувчи муассасаларга хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутишининг яна бир ёрқин далили бўлди, дейиш мумкин. Очиғи, банклар ўртасида рақобат кучайган ҳозирги кунда ана шундай холис ва юқори баҳога сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бу, энг аввало, Президентимизнинг банк тизимига бўлган алоҳида эътибори, қолаверса, ушбу молия муассасаси ходимларининг тинимсиз меҳнати натижасидир.

Халқаро экспертларнинг фикрича, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барқарор кредит кўрсаткичлари унинг ликвидлик мавқеи ошиши, шу билан бирга, фаолият миқёси ва мижозлар сони кенгайишини таъминламоқда. Бу билан у, ўз навбатида, бошқа тижорат банкларига нисбатан устунликка эга бўлмоқда.

Қўлга киритилган жамики ютуқлар эртанги кунга ишонч билан қарашга ундайди, албатта. Шуни ҳисобга олиб, биз қуйида фаол ва ташаббускор жамоанинг фақат аҳоли ва хўжалик субъектларининг маблағларини банкларга кенгроқ жалб этиш борасидаги иши хусусида тўхталишни жоиз топдик. Зеро, бугунги кунда бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш долзарб вазифалардан биридир.

### Ишончли замонавий тизим

Сир эмас, кейинги вақтларда аҳолини биринчи даражали тўловлар билан таъминлаш, яъни иш ҳақи, пенсия ва турли нафақаларни ўз вақтида эгаларига етказиш масаласи тўла ҳал этилди. Нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш устидан қатъий назорат ўрнатилиши бунга имкон берди. Бу жараёнда, айниқса, Президентимизнинг 2007 йил ноябрь ойидаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тижорат банкларининг саъй-ҳаракатларини янги сифат босқичига кўтарди.

Мижозга янги, улар учун қулай хизмат турларини таклиф этаётган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бир талай ишлари бунинг тасдиғидир. Хусусан, яқинда банкнинг «Учтепа» филиали томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни шакллантириш, нақд пулларнинг банкдан ташқарида айланишини қисқартириш, мижозларга қулай ва имтиёзли шароит яратиб бериш мақсадида навбатдаги янгиликка қўл урилди. Гап шундаки, илгари пойтахтимиздаги «Фарҳод» деҳқон бозори ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорлардан патта тўловлари бозор ходимлари томонидан йиғиб олинган бўлса, эндиликда бу вазифа барча бозорлар учун мутлақо янги бўлган тизим — замонавий компьютер дастурлари асосида амалга оширилмоқда.



«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ана шу тажрибасига мувофиқ, бозор ҳудудидаги барча сотув расталари 6 та бўлимга бўлинди. Ҳар бир бўлимдаги расталар сони рақамланиб, компьютер дастурига киритилди. Шу асосда бозор бўлимлари харитаси компьютер дастурида ишлаб чиқилди. Сотувчилар эса ўзлари савдо қилаётган маҳсулот турига қараб, банкнинг бозор ҳудудида ташкил қилинган 6 та махсус кассасининг хоҳлаган бирига патта тўловини осонгина тўлайди. Эътиборлиси, махсус кассаларнинг компьютерига ўрнатилган янги дастур эса бозор ҳудудида савдо қилаётган барча рақамланган жой эгаларининг нима билан савдо қилиши-ю, маҳсулотига тўланадиган патта тўлови қийматини кўрсатиб туради. Борди-ю, бирор бир сотувчи керакли суммани ўз вақтида тўламаса шу дақиқадаёқ унга тегишли бўлган огоҳлантирувчи қизил чироқчалар тўловлар кассаларига тўлиқ тушмагунча ёниб-ўчаверади.

Банк томонидан яратилган янги тизимнинг афзалликларидан яна бири шуки, бозор ҳудудидаги туман солиқ таянч пункти ва шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари тадбиркорлар амалга ошираётган тўловлар жараёнини исталган вақтда компьютерлар тармоғига уланган дастурлар орқали кўриб туришлари мумкин. Тўловлар мониторингини эса туман солиқ таянч пункти олиб боради. Дарвоқе, патта тўловлари Тошкент шаҳар ҳокимининг 2005 йил 27 сентябрдаги қарорида белгиланган тарифга мувофиқ амалга оширилади.

Бундан ташқари, барча турдаги коммунал ёки автотранспорт воситаларини тўхташ жойи учун тўланадиган тўловлар ҳам банкнинг махсус кассалари орқали бир зумда амалга оширилади. Мазкур кассаларда уяли телефон алоқаси маблағини тўлдиришга ихтисослашган «PAYNET» тўлов тизими ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, бозор маъмурияти биноси қошида хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги тадбиркорларга банк хизматларини кўрсатишга мўлжалланган мини банк, аҳолидан турли кўринишдаги коммунал тўлов ҳамда омонатларни қабул қилишга ихтисослашган жамғарма кассалари ҳам фаолият кўрсатмоқда.




Айтиш жоизки, жорий этилган ушбу замонавий усул орқали биргина «Фарҳод» деҳқон бозорининг ўзидан кунига ўртача 3-4 миллион сўм нақд пул маблағи банк филиали кассасига қабул қилинмоқда. Қувончлиси шундаки, «Ўзсаноатқурилишбанк» сал аввалроқ Бухоро шаҳридаги деҳқон бозорида ҳам замонавий компьютер дастурлар асосидаги фаолиятни йўлга қўйиб, катта эътирофга сазовор бўлган эди. Табиийки, банк жорий этаётган ушбу янги тизим нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмаси ҳажмининг камайишида муҳим омил бўлаётир. «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимиздаги бошқа бозорларда ҳам мижозларга худди шундай қулай хизмат турларини таклиф этиш борасида иш олиб бораётгани боиси шунда.

Албатта, банк томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар нечоғлик катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу, аввалambор, аҳолига яратилган қулайлик бўлса, иккинчидан, энг муҳим ижтимоий масалаларни ечиш, деганидир.

### Эришилган натижалар чегара эмас

Айни пайтда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча филиалларида тўловларни аниқ вақт режимида ўтказадиган ИАБС ахборот тизими ишлаб турибди. Пул маблағларини оператив бошқариш, ҳисоб-китобларни сифатли ўтказиш, вақтни тежаш, мижозларга яқиндан хизмат кўрсатиш мақсадида тизим бўйича 94 та мини банк фаолият юритмоқда. Шу йил бошига келиб, хусусий мижозлар сони 968 минг нафарга етди.

Хизматлар кўрсатишнинг чакана бозорини ўзлаштириш бўйича ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» тижорат банклари орасида пешқадамлар сафидан жой олган. Тизимда жами 190 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатмоқда. Улар аҳолидан нафақат омонатларни, балки коммунал тўловлардан тортиб, алоқа хизматларигача бўлган барча тўловларни қабул қилмоқда. 2007 йил давомида аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун 80,7 миллард сўмлик тўловлар қабул қилиб олингани шундан далолат беради.

Бугунги давр шитоби, ўзгаришлар жараёни «Ўзсаноатқурилишбанк» олдига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда. Уларни бажариш ҳар бир банк ходимидан фидокорона меҳнат қилиш, рўй бераётган ўзгаришларга масъулият билан ёндашиш, мижозларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини янада тўлиқ қондиришни талаб этмоқда. Шу боис банк жамоаси бутун эътиборни барча йўналишларда барқарор ривожланиш суръатларини сақлаш ва ошириш, банк фаолияти доирасини янада кенгайтириш, рақобатчилар ўртасида ўз ўрнини мустаҳкамлашга қаратмоқда. Натижа эса ана шу саъй-ҳаракатларга яраша бўлаётир.

Янгиликка интилиш, тезкорлик, аниқлик ва ҳамиша ташаббус кўрсатиш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ҳар бир ходимининг қатъий иш услубига айланган экан, кўпчиликнинг узоқ вақт давомида синалган ишончли ҳамкори сифатида у бундан буён ҳам молия бозоридаги ўз маҳсулотлари ва хизматларини такомиллаштириб боришга интилаверади.

*Демак, халқаро миқёсда ҳам муносиб эътирофларга сазовор бўлаётган ушбу банкнинг мижози бўлишни ихтиёр этувчилар ҳамиша юқори даражали, сифатли банк хизмати кўрсатишга ишонч ҳосил қилсалар, сира адашмайдилар. Зеро, «Ўзсаноатқурилишбанк» билан ҳамкорлик қилиш — фаровонлик ва маъмурчилик йўлида дадил қадам ташлаш, деганидир.*

**Фурқат САНАЕВ.**

Товар сертифицирован
INTEGRAL ASIA
Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан
DELL™
...от карманных компьютеров до серверов...



3 года полной гарантии !!!
Технологии, обеспечивающие уверенность
Тел.: 120-30-27, 120-30-28. Факс: 120-30-26.

## Чиқиндидан – янги маҳсулотлар

Интилиш

Хонқа туманидаги "Хонқаобод" кичик корхонасида саноат чиқиндиларидан бир неча турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада қўшимча иш ўринлари очилиб, ишлаб чиқариш суръати ошди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ООО «Росагропромснаб» предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые «Гобой-1»




СЧЕТЧИКИ ГАЗА
вихревые СВГ.М




На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

## Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча таркибида зарарли, заҳарланиш ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиғи оғирлашса ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнгги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар фикримизга ёрқин далилдир.

2006 йилда «Ринза таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фош этилди.

**Қуйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилган:**

**«Ринза» таблеткаси №10-серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.**

**«Ринза» таблеткаси №4 - серияси 010807**

**«Ринза СИП» эритилувчи кукуни 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.**

***Эсингизда тутинг!***

Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари кутилган самарани бермайди ва у соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек, касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисида кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда «Ринза» препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

*МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН*

**Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66**

***Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!***

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:
Товар сертифицирован
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий




▪ максимальная грузоподъёмность 8т
▪ максимальная длина стрелы – 30м (с кареткой)
▪ максимальная высота подъёма гор. – 41,5м, наклонно – 57,5м
АВТОКРАНЫ:




для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах
КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
▪ максимальная грузоподъёмность – 14 т
▪ максимальная высота подъёма – 14,5 м
КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
▪ максимальная грузоподъёмность – 16 т
▪ максимальная высота подъёма – 22 м
КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
▪ максимальная грузоподъёмность – 25 т
▪ максимальная высота подъёма – 29 м (с гуськом)
ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Товар сертифицирован
ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
Диаметр от 20 до 110 мм
с различной толщиной стенки
Для
○ ВОДОСНАБЖЕНИЯ
○ ГАЗОСНАБЖЕНИЯ
○ КАНАЛИЗАЦИИ
○ КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.



Форма оплаты – безналичный расчет.
Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 2782525
E-mail:trubs_uz@mail.ru

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти Матлуба Нурмуҳаммедовага укаси
**Илҳом ИНОЯТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали» ДУК «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти бош режиссёри Ботир Шариповга отаси
**ҚАҲРАМОН отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси кредит-иқтисод факультети декани муовини Ойбек Ортиқовга падари бузруквори
**АБДУЛЛО отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

